



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT
TUMANI HOKIMINING
QARORI**

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 4 - yanvar

4 -son

Bog‘ot shaharchasi

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 12-13 декабрь кунлари Хоразм вилоятига ташрифи давомида ҳамда 13 декабрь куни вилоят фаоллари билан ўтказган кенгайтирилган йиғилишда берилган топшириқлар ижросини таъминлаш ҳамда “Маҳалла раиси ислохотчи” тамойили асосида Хоразм тажрибасини Боғот туманида тизимли йўлга қўйиш тўғрисида

Туман ҳудудидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятида тегишли шарт-шароитларни яратиш, шунингдек, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги камчиликларни бартараф қилиш, камбағал оилаларнинг ишсиз аъзоларини ишга жойлаштириш, аёллар ва ёшлар дафтарига киритилган ишсизлар бандлигини таъминлаш маҳаллалардаги етишмаётган хизмат кўрсатиш турларини жорий қилиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва аҳолининг турмуш-тарзини яхшилаш мақсадида

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Тумандаги мавжуд маҳаллаларни тўртта сектор раҳбарлари, шунингдек, туман ҳокимининг ўринбосарлари ва туман молия бўлими мудирига бириктириш иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Маҳаллаларга бириктирилган масъулларнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

- маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда мавжуд саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш объектларининг узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлаш;

- ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги камчиликларни бартараф қилиш;

- камбағал оилаларнинг ишсиз аъзоларини ишга жойлаштиришни таъминлаш;

- аёллар ва ёшлар дафтарига киритилган ишсизлар бандлигини таъминлаш;

- хизмат-сервис соҳасини ривожлантириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиб амалга ошириш.

3. Маҳаллаларга бириктирилган масъуллар тезкорлик билан масалаларни жойида ҳал қилиб бориши белгилаб қўйилсин ва амалга оширилаётган ишлар тўғрисида туман штабига кунлик ахборот бериб борсинлар.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Боғот туман ҳокими
вазифасини бажарувчи**



Ш.Яхшибаев